



ARTICLE INFO

Received: 06th January 2023

Accepted: 14th January 2023

Online: 16th January 2023

KEY WORDS

Сўз туркумлари, феъл, майл,
феълларнинг ясалиши,
тилшунослик тарихи,
грамматик категория,
қўшимч, сўз ясаш.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ФЕЛ СЎЗ ТУРКУМИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

¹Иброхимова Дилёра Иномжон қизи

Фарғона давлат университети, Лингвистика (инглиз тили)

2-босқич магистранти,

² Қосимова Гулжаҳон Маҳмудовна

Фарғона давлат университети, Филология фанлари доктори

shukrullasayidov1991@gmail.com.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7563882>

ABSTRACT

Сир эмаски, тилшунослар сўзларни турли фаразлар асосида сўз туркумларга ажратишган. Улар ичида энг муҳимларидан бири бу феъл ҳисобланади. Мазкур мақолда биз шу йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар тарихига назар соламиз.

XI асрда яшаб ўтган тилшунос, тарихчи, адабиётшунос олим Маҳмуд Қошғ'арий о'zbek тилшунослиги тарихида морфологияни, сўзни туркумларга ажратиш, ҳар бир туркумнинг ўзига хос жиҳатини чуқур таҳлил қилишни бошлаб берган олим ҳисобланади. Таниқли олим, С. Муталлибов Маҳмуд Қошғ'арийнинг "Девони луг'отит турк" асарини таржима қилиб ўтган асрнинг 60-йилларида ўз илмий ишини оммага этказди. С. Муталлибов ўз шарҳида Маҳмуд Қошғ'арийнинг "Девони луг'отит турк" асарида феъл тўғрисида мулоҳаза юритаётган ўринларда феълларнинг ясалиши, улардаги замон, нисбат, ўтимли-ўтимсизлик категориялари ҳақида маълумот бериб ўтади. Девонда феъл замонларидан ўтган замонга алоҳида эътибор берилган". Чунончи, "Кумуш қуёшга қо'нса, олтин эз оёғи билан келади". (мақол), ёки "У мендан бирор нарса умид қилди", "Ўт кўкарди, унди", " У уйга кетди" каби мисолларни олим ўз асарида келтириб ўтади. [1, 35]

Бундан ташқари Хоразмда таваллуд топган Маҳмуд Замахшарий ҳам тилшуносликка оид бир қанча асар ёзганлиги тўғрисида А.Нурмоновнинг "Ўзбек тилшунослиги тарихи" асаридан билишимиз мумкин. Асарда келтирилишича Маҳмуд Замахшарийнинг "Муқаддимат-ул адаб" ("Адабиётга кириш") асари беш қисмдан иборат бўлиб, унинг икки қисми феълга бағ'ишланган. Яъни, 1.Феъл. 2. Феъл ўзгаришлари. "Замахшарий бу асарида феълнинг ўзак таркибига кўра синфларга ажратади ", -деб маълумот беради олим.[2, 98] "Абу Наср Форобий тилшунослик ҳақидаги фикрларини ўзининг "Фанлар таснифи ҳақидаги сўз" асарида баён қилган. Тур ва жинсни билдирувчи сўзлар асосида Форобий сўз туркумларини тасниф этади. Муаллиф тур ва жинсни билдирадиган сўзларни араб грамматика мактаблари анъаналари асосида от, феъл ва ҳарфларга ажратади. Шу билан бирга от ва феълларнинг грамматик категориялари ҳақида ҳам маълумот беради. Хусусан, от ва феъллар учун жинс, сон категориялари хос эканлигини, шунингдек, феълларнинг ўзига



хос белгиси замон (ўтган, ҳозирги, келаси замон) билдириши эканлигини таъкидлайди”, -деган фикрларни А.Нурмоновнинг “О‘збек тилшунослиги тарихи” асарида о‘қишимиз мумкин. [5,98]

А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи” китобида туркий тиллар луғати ва грамматикасига бағишланган “Ат-туҳфатуз закияту фил луғатит туркия” асари ҳақида ҳам маълумот келтирилган. “Гарчи бу асар муаллифи ноаниқ бўлсада (асарда унинг муаллифи ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди, лекин китобда бу асарни ёзишга кўпчилик даъват этгани ҳақида фикр юритадики, демак, муаллиф тилшунос сифатида ўша даврда жамоатчилик ўртасида танилган, деган хулосага келиш мумкин бўлади) луғат тузилиши ҳам, грамматик материалнинг берилиши ҳам асар муаллифининг тилшунослик бўйича катта тажрибага эга эканлигини кўрсатади”, - деб таъкидлайди олим. “Ат-туҳфатуз закияту фил луғатит туркия” асарида сўз туркумига ҳам катта аҳамият берилганлиги, феълнинг нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, шахс, майл, замон категориялари атрофлича ёритилганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлишимиз мумкин. [4, 78]

Буюк мутафаккир, ўзбек адабий тилининг асосчиси ва тарғиботчиси Алишер Навоий тилшунослик тарихида ҳам ўчмас из қолдирган улуғ олим ҳисобланади. М. Фозилованинг битирув малакавий ишида қуйидаги маълумотларни ўқишимиз мумкин: “Алишер Навоийнинг лисоний қарашлари “Муҳокамат-ул луғатайн” асарида жамланган. Мазкур асарда олим морфологияга оид ўз фикрларни билдирар экан, асосий сўз туркуми сифатида феълларга мурожаат қилади. Феъл бирликларининг маъно жиҳатидан, шакл ва қўллаш жиҳатидан ески ўзбек адабий тилининг ўзигагина хос, яъни форсийда учрамайдиган хусусиятларини тилшунос олим сифатида таҳлил қилади. Феълнинг нисбати, феълнинг ўзлик, орттирма ва биргалик нисбатларини, равишдош шаклини, кўмакчи феъл ёрдамида тузилган мураккаб феълларни қайд этади. Алишер Навоий феълнинг орттирма нисбат шакли ҳақида фикр юритар экан, айни нисбат тушунчаси -т қўшимчаси орқали ҳосил бўлишини айтади, қатор.мисоллар келтиради. Жумладан: югурт, яшурт, чиқарт, ва ҳ.к”. [3, 157]

“Замонавий ўзбек тили” китобида келтирилган маълумотларга қараганда 1760 йилда тузилган. “Санглоҳ” (Мирзо Меҳдихон-Низом-ал-дин Муҳаммад Ҳоди ал-Хусайни ас-Сафавий томонидан тузилган) луғатининг “Мабони ул-луғат” деб аталган грамматикага оид қисми олти бўлимни ўз ичига олади. Грамматика қисмининг ҳар бир бобида феълнинг барча шаклига эътабор қаратилади: масдар шаклида унинг нисбат кўриниши, ўтган замон шакли, майл, бўлишли-бўлишсизлик каби шакли изоҳланади. Мана шу луғатда феъл шакли ҳосил қилувчи аффикснинг фонетик вариант ҳамда қўлланиш хусусияти ҳам берилган. XX аср бошларида Абдурауф Фитрат сўз туркумларини, жумладан, феъл сўз туркумини тадқиқ этади. Феълга ҳаракат ва ҳолат ифодаловчи туркум сифатида ёндашади. Айниқса, олимнинг феъл туркумига оид қараши катта аҳамиятга эга. Унинг “ҳар бир феъл бир иш билан унинг ишловчиси ҳамда бир замонни билдиради” тарзида айтилган фикри жуда муҳим”, - деган фикрлари “Замонавий ўзбек тили” асарида маълумот сифатида келтирилган. Олимнинг феълнинг замон грамматик категориясига, шахс-сон категориясига, шунингдек, бўлишли-бўлишсизлик, ўтимли-ўтимсизлик, нисбат каби категориясига



нисбатан ўз қарашини баён қилганлиги тўғрисидаги фикрларни ўқишимиз мумкин.[5, 89]

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб ўзбек тили сўз туркумларини махсус, яъни фундаментал ўрганила бошланди. Жумладан, 50-йиллар бошларида профессор Айюб Ғуломов феъл борасидаги ўз кузатишларини эълон қилди. “Замонавий ўзбек тили” келтирилган маълумотларга қараганда унинг “Феъл” китобининг яратилиши ўзбек тилшунослигида катта воқеа бўлди. Бу китобда: 1. феъл туркуми алоҳида яхлит тарзда чуқур таҳлил қилинган; 2. феъл ҳақидаги барча мавжуд қараш умумлаштирилган. Феълга хос хусусият: маъноси ва грамматик белгиси; грамматик категорияси; ясалиши; тўлиқсиз феъл, феълнинг синтактик вазифаси батафсил таҳлил қилинганлиги айтилган. Ундан ташқари XX аср ўзбек тилшунослиги морфология соҳасининг тараққиётида йирик олим Саид Усмоновнинг роли катта ўрин тутди. Айниқса унинг “Баъзи феъл формалари ҳақида” (1966) феъл тўғрисида ёзган китоби ўзбек тили феълларининг тараққиётида муҳим рол ўйнади.[3, 67]

Академик Азим Ҳожийев феъл сўз туркумининг ўрганилишига катта эътибор қаратган ва бунинг устида бир қанча илмий изланишлар олиб борган олим ҳисобланади. Унинг “Феъл”, “Кўмакчи феъл”, “Тўлиқсиз феъл” китоблари сўз туркумлари ичида феъл туркумига алоҳида эътибор қаратганини билдиради. А. Ҳожийевнинг “Феъл” китобида феълнинг тарихи, замон, нисбат категориялари, феълнинг барча хусусиятлари атрофлича ёритиб берилган. Унинг “Тўлиқсиз феъл” монографияси тилшуносликда кам ўрганилган масалалардан бири ҳисобланади. Монографияда тўлиқсиз феъл формалари ва улар ёрдамида ҳосил бўлувчи феъл формаларининг маъно ва вазифаларини ўрганишга бағишланган. [6, 65]

Масалан: Узунни қўй, қисқани кес экан-да дунёнинг иши. Давранинг тўрида ўтириб келган Комилжон эди. Буерда эди, экан тўлиқсиз феъл ҳисобланади. М. Содиқованинг “Феъл стилистикаси” монографиясида бадий асарда қўлланган феъллар, феълли бирикмалар стилистик аспектда анализ қилинган. Масалан: Қани енди, шу тобда кўрсам. (Саид Аҳмад) Шундай меҳнат қилганимга яраша кошки кўнглим тинч бўлса.(А. Қаҳҳор), Аччиқаччиқ аламли сўзлар айца ҳам майли (Саид Аҳмад). Шунга айтишимиз керакки Ш. Раҳматуллаев ҳам феъл бўйича илмий тадқиқот олиб бурган олим ҳисобланади. Унинг “Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви” илмий иши бунга яққол далил бўла олади. Илмий ишда фраземалар дастлаб боғлашувсиз ва боғлашувли деб икки гуруҳга бўлинади. Боғлашувли фраземалар бир, икки, уч боғлашувли деб тўдаланади ва уларнинг боғлашув имконияти батафсил баён қилинади. “Боғлашув асли барча туркум лексемаларига хос , лекин феълда энг кучли.” деб таъкидлайди олим ўз илмий ишида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқоридаги маълумотлардан шуни билишимиз мумкинки, қадимдан кўпгина олимларимиз томонидан морфология соҳасида, айниқса, феъл сўз туркуми устида илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борилган. Ва бу сўз туркумини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда.

Шуни таъкидлаб айтишимиз керакки, ўзбек тилшунослигида сўз туркумлари соҳасида айнан феъл сўз туркумини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асносида ХИ асрдан бошлаб то ҳозирги кунгача забардаст олимлар



йетишиб чиқди. Бу еса ўз навбатида ўзбек тилшунослиги тараққиётига, феъл тараққиётига олиб келди.

References:

1. Nurmonov A. "O`zbek tilshunosligi tsixi" Toshkent, "O`zbekiston", 2002. 54 b;
2. Rahmatullayev Sh. "O`zbek tilida fe`l frazemalarning bog`lashuvi" Universitet, 1992. 5-bet;
3. Azimjon Latifjon o'g'li Melikuziev. (2022). HISTORICAL AND MODERN CLASSIFICATION OF PARALINGUISTICS. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(10), 126–128. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/UAH57>;
4. Zamonaviy o`zbek tili. I jild. Morfologiya. (Mualliflar jamoasi). -T.:MUMTOZ ZO`Z, 2008. 38-bet;
5. Khakimov, M. K., & ugli Melikuziev, A. L. (2022). The History of Paralinguistic Researches. *International Journal of Culture and Modernity*, 13, 90-95;
6. Jamolxonov X. Hozirgi o`zbek adabiy tili – T.: Cho`lpon, 2008. – 240 b;
7. o'g'li Melikuziev, A. L. (2022). HISTORICAL AND MODERN CLASSIFICATION OF PARALINGUISTICS. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(10), 126-128;
8. Gaziyeva M. On the Matters of the Phonosyntactics//*Anglisticum- International Journal of Literature, Linguistics and Interdisciplinary Studies*. Volume 7, Issue 5. – Kosovo (Macedonia), 2018;
9. Mukhammad, K. K., & o'g'li Melikuziev, A. L. (2022, December). THE ESSENCE OF NONVERBAL COMMUNICATION. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 19, pp. 91-93);
10. Hojiyev A. "To`liqsiz fe`l" Toshkent. "Fan" nashriyoti. 1970. 3-bet.